

## РЕГИСТОН - БЕБАХО МАДАНИЙ МЕРОС

Ганиева Дилноза

Регистон ансамбли гид экскурсаводи  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7420848>

**Аннотация:** Мазкур мақолада Регистон майдони тарихи ва тарий ахамияти хақида фикр юритилади. Хусусан тарихий манбалар асосида мазкур маданий мерос объектининг ижтимоий ва маданий ахамияти тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Самарқанд, Регистон, мажмуа, тарих, маданий, мерос, масжид, мадраса, хунармандчилик, марказ.

Регистон мажмуаси ер юзининг сайқали, деб тан олинган. Бу майдон Самарқанднинг ўзига хос ва мос кўзгусидир. «Регистон» сўзи форс тилидан олинган бўлиб, «қумли жой» деган маънони билдиради, «рег» - қум, «истон» - туриш жойи демакдир. Тарихий маълумотлар ва аниқ илмий ашёвий материаллар исботига қараб шуни айтиш мумкин-ки, бу ердан жанубий шарқдан, шимолий ғарбга томон катта ариқ оқиб ўтган, вақт ўтиб ариқ қуригандан сўнг, унинг ўрнида қумлоқ жой қолган. Ана шу асосда «Регистон» деган сўз келиб чиққан.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳозирги Регистон майдони ўрнида марказий бозор мавжуд бўлган. Ана ўша даврдан бошлаб Самарқанд янада жаҳонга машхур илму - фан ва хунармандчилик маркази сифатида дунёга донг таратган.

Бу ерга етти иқлимдан донишмандлар, олиму фузалолар келиб, Мирзо Улуғбек атрофига тўпланишган. Сон-саноқсиз зиёратчилар, Шоҳи Зинда мақбарасига келган савдогарлар шаҳарни томоша қилиш билан бирга машхур Самарқанд қоғозини ва бошқа кўплаб турли ноёб хунармандчилик ва бошқа турдаги молларни харид қилишган.

Барча йўллар пойтахт Самарқанд шахрининг савдо-хунармандчилик маркази ҳисобланган Регистонда бир-бири билан туташган. У хунармандлар кўчаси бўлиб, заргарлар растаси орқали қалъа, Кўксарой, Бўстонсарой билан боғланган.

Асрлар давомида Регистон ўзидаги иншоотларни уч марта ўзгартирди. Дастлаб бош кийимлар сотиладиган усти ёпиқ гумбазли тим қурилади. Улуғбек ҳукмронлиги даврига келиб майдонда қайтадан режалаштириш ишлари амалга оширилади. Чунончи, бу жойлар вақфга топширилгани учун бозор тимлари бошқа жойга кўчирилади ва майдоннинг ғарбий қисмида дастлабки бино ҳисобланмиш Улуғбек мадрасаси қурилади.

1424 йилда эса Улуғбек мадрасаси рўпарасида, ҳозирги Шердор мадрасаси ўрнида, «қуш» услубидаги Улуғбек хонақоси барпо қилинган. Хонақоҳ фасади Улуғбек мадрасаси пештоқига нисбатан қисқароқ бўлган. Хонақонинг жанубий-ғарбий қисмида, қадимдан Имом Муҳаммад ибн Имом Жаъфари Содиқ мазори жойлашган бўлган. Мадрасанинг кенг фасади ва ҳашаматли миноралари рўпарасида пештоқ ва катта гумбазли хонақоҳ турган. Майдоннинг шимолий томонида ҳам зарурий эҳтиёжни назарга тутган ҳолда, Мирзо Улуғбек фармони билан ҳашаматли Мирзойи карвонсаройи қурилади. Унинг тарҳи ва ташқи кўриниши ҳозирги Тиллакори мадрасасига ўхшаш бўлган. Карвонсарой кенг айвонли ва ҳужрали ҳовлидан иборат бўлган.

XV асрнинг 30-йилларида Шоҳруҳ Мирзонинг мураббийси, ўз замонасининг кўзга кўринган илм арбоби Алайка Кўкалдош ҳокиму ҳукамо ва шариат пешволари билан келишилган ҳолда, янги шаҳар жомеъ масжидини қурдиради. Масжид тўғри бурчакли (тахминан 90х60 м) режада қурилган бўлиб, ғишт ва тош устунларга таянган гумбазли, катта ҳовлидан иборат бўлган. Масжид ўрни ҳозирги Улуғбек мадрасасининг жануби шарқ томонида қурилган. Бу масжид Мирзо Улуғбек қурдирган масжиди Муқаттаъга яқин эди. Масжид деворлари ва сақфи қитъа-қитъа қилинганлиги ва нақшин ёғочлардан ясалганлиги учун Муқаттаъ деб аталган. Шу билан бирга, Регистон майдонидаги мадраса, хонақоҳ ва карвонсарой ғарбида, нафақат Самарқандда, балки Шарқда энг мукамал ҳисобланган ва бошқа ҳаммомлардан тубдан фарқ қиладиган «Ҳаммоми Мирзойи»ни қурдирган. Бу бино тўғрисида «Бобурнома»да шундай ёзилган «Мирзо Улуғбек яна ушбу мадраса ва хонақоҳда мўътадил яхши бир ҳаммом солибдур. Мирзойи ҳаммом номи ила машҳурдур, ҳар нав тошлардин фарзлар қилибдур, Хуросону Самарқандда андак ҳаммом маълум эмаским, бўлғай». Мирзо Улуғбек даврида Регистон майдони пойтахт Самарқанд шаҳрининг ижтимоий ҳаёт марказига айланди. Бу ерда кўриклар ташкил этилар, давлат фармонлари ўқиб эшиттирилар, Қурбон ва Рамазон ҳайити сайиллари ўтказилар эди. Регистон ҳанузгача шаҳарсозлик санъатининг мукамал шоҳ асари бўлиб келмоқда.

Регистон ансамбл биноларини қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Самарқанд ҳукмдори Амир Ялангтўшбий Баҳодир XVII-асрда шердор ва тиллакори мадрасаларини қуриб, Регистон майдони шуҳратини янада оширди ва гўзаллаштирди.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

- 1.Маликов А. М. История Самарканда (с древних времён до середины XIV в.). том.1. Ташкент: Paradigma, 2017.
- 2.Маликов А. М. Медресе Самарканда в государственной политике Бухарского эмирата и Российской империи (конец XVIII — начало XXв.) // История и археология Турана. № 4. Самарканд 2019.
- 3.Справочная книжка Самаркандской области, 1893 год, выпуск I, составил М.Вирский, Самарканд, 1893
- 4.Сухарева О. А. История Среднеазиатского костюма. Самарканд (2-я половина XIX — начало XX в.). М.: Наука, 1982.
- 5.Пьянков И. В. Древний Самарканд (Мараканды) в известиях античных авторов (Собрание отрывков и комментарии). Душанбе, 1972.
- 6.Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843